



## ДАВЛАТ — ИНСОН УЧУН

## ОБОДЛИК ИНЪИКОСИ

## Сирдарёликлар ҳаётига жўшқин руҳ олиб кирди

Бугун қайси маҳаллага борманг, албатта, бирор ўзгариш устидан чиқасиз: шағал ёки асфальт кўрмаган кўчалар равон ва текис йўлга айланган, қайсидир қишлоққа ичимлик сув келган, кимдир йиллаб қаровсиз ётган томорқасида кўркам боғ яратган, иссиқхона қилиб, бир мавсумда ҳаётини ўнглаб олган, кимдир туёқ кўпайтирган, парранда ёки асаларичилик ортидан тўй қилган, машина олган. Бир замонлар контрактга ўқишга киришни “имтиҳондан йиқилиш” билан тенг кўрган ёшларнинг ҳам муаммоси ариди. Чунки имтиёзлар бор, қолаверса, кўплаб ёшларнинг контракт пули давлат томонидан қоплаб берилаётган.

Давоми 3-бетда



## МУНОСАБАТ

МИЛЛИЙ РАҚС  
САНЪАТИМИЗ ДУРДОНАСИЛазгида чуқур ҳаётий фалсафа,  
бетакрор ижро усули ва жозиба мужассам

Бой ва ранг-баранг ўзбек рақс санъатида халқимизга хос нафосат ва гўзаллик, эзгу орзу-интилишлар ўз ифодасини топган. Азалдан ўзбек миллий санъатининг бетакрор куй-қўшиқлари, жозибдор рақслари дунёни ўзига жалб этиб келган. Айни кунларда эса Хивада “Лазги” халқаро рақс фестивали давом этмокда.

Давлатимиз раҳбарининг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида янраган фикрлар, билдирилган тилаклар барчани бирдек қувонтирди: “Лазги” рақси ўзининг бекиёс сеҳри, жозибаси ва таровати билан дунё саҳналарини ҳам забт этиб, турли миллат ва элатларни бирлаштирувчи таъсирчан санъат воситаларидан бири сифатида сеvimли бўлиб бормокда. ЮНЕСКО халқаро таъминоти томонидан 2019 йил 12 декабрда Хоразм “Лазги” рақси Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани ҳам буни тасдиқлайди”.

Президентимиз ўз табригида миллий рақс санъати равнақи, келажак авлод бу соҳада муваффақиятларга эришиши учун рақс санъати йўналишида узлуксиз таълим тизими жорий қилиниб, барча мактабгача таълим

ташкilotларида хореография санъатидан дарс бериш йўлга қўйилаётганини таъкидлади. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида рақс синфлари сони кўпайтирилгани, республика хореография ихтисослаштирилган мактаб-интернати ташкил этилгани бу соҳада янги истеъодларни кашф этиш ва тарбиялашда пойдевор бўлиб хизмат қилишини айтиб ўтди.

Фестиваль доирасида “Ўзбек миллий рақсининг жаҳон рақс санъатидаги ўрни” илмий-амалий анжумани ўтказилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки миллий рақс санъатимиз тарихини, унинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш бугунги долзарб масалалардан биридир.

Давоми 2-бетда

## ҚОНУНГА ШАРҲ

## ОРГАНИК МАҲСУЛОТЛАР

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЎҚИСЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Халқаро ташкilotлар маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 1 миллиарддан ортиқ киши, яъни дунё аҳолисининг ҳар саккиз нафаридан бири тўйиб овқатланиш имкониятига эга эмас. Аксарият аҳоли, айниқса, болаларнинг тўлақонли овқатланмаслиги инсоният саломатлиги кўрсаткичига ва ҳаёт сифатига жиддий таъсир этаётган. Бу глобал муаммога оқилона ечим топиш, озиқ-овқат тўқислиги ва хавфсизлигини таъминлаш жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси аҳоли эҳтиёжини физиологик меъёrlарга мос равишда истеъмол товарлари билан таъминлашни назарда тутати. Бироқ кейинги йилларда жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжлари ўсишидан ортда қолмокда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ҳамда қайта ишлаш саноати ривожини етарли шароит мавжуд бўлмаган айрим давлатларда муаммо тобора кескинлашиб бормокда.



Жаҳондаги ана шундай мураккаб бир вазиятда Ўзбекистонда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби тўлиқ қондирилибгина қолмай, балки экспорт қилинаётгани мамлакат иқтисодий салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатмокда. Давлатимиз раҳбари

томонидан озиқ-овқат етиштириш ҳажмини ошириш, сифати ва хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ушбу барқарорликнинг асосий пойдевори бўлмокда.

Давоми 2-бетда

## ҚАРОР ВА ИЖРО

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ:  
ЎЗГАРИШЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Шу йил январда мамлакатимиз ва қўшни давлатларда электр энергияси таъминотида оммавий ўзилишлар кузатилди. Аслида, бу янгилик эмас. У ёки бу сабабларга кўра, турли даврларда дунёнинг турли ҳудудларида бундай ҳодисалар учраб туради.

Биз мазкур воқеа сабаб бугун электр энергиясиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаслигимизни англадик. У кундалик эҳтиёжимиз учун қанчалик зарур эканини ўша ўзилиш кунларида яққол ҳис қилдик. Ўқишимиз, иш фаолиятимиз, умуман, турмушимиз электр токи билан чамбарчас боғлиқлигини тушуниб етдик. Ана шу муайян муддатли электр энергиясиз ҳаёт айримларга бор нарсаси

нинг қадрига етиш кераклигини ўргатган бўлса ҳам ажаб эмас. Муҳими, ушбу носозлик ва ноқулайлик қисқа фурсатларда бартараф этилди. Яна олдингидек электр токи бор, телефон ва компьютерларимиздан бемаъл фойдалана оляимиз. Уйларимиз ёруғ, телевизор ёки бошқа маиший жиҳозларимиз ишлаб турибди.

Давоми 4-бетда

## САМАРАЛИ ЁНДАШУВЛАР

Мамлакатимизда сўнгги йиллардаги ислохотлар ҳар бир соҳанинг янги қирраларини очмокда. Шиддат билан ўзгараётган замонда ихтиролар, илмий тадқиқотлар, инновацион ғоялар, техник ишланмалар яратиш ва уларни тижоратлаштириш рақобатбардош, юқори даромадли маҳсулотлар яратишга хизмат қилади. Халқаро илмий лойиҳаларда иштирок этиш эса мамлакатнинг илмий салоҳият даражасини юксалтиради.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЎЗБЕК  
ОЛИМЛАРИ ИМКОНИАТИНИ  
ЯНАДА ОШИРАДИ

Ҳозирги даврда барча соҳаларда халқаро ҳамкорлики кенгайтирмай туриб, жаҳон бозорларида рақобатбардошликка эришиб бўлмади. Бойси, илмий ишланма ва технология янгиликлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини боғловчи механизмга айланмокда.

Сўнгги йилларда илм-фанга эътибор туфайли илмий муассасалар фаолияти жадаллашди. Бир вақтлар олим киши ҳақида сўз кетса, кўз ўнгимизда ёши катта инсонлар гавдаланарди. Бугун эса илмий лабораториялардаги тадқиқотчиларнинг катта қисмини ёшлар ташкил қилади. Ёш кадрларнинг илм-фанга кириб келиши тезлашмокда.

Илм-фан ва инновациялар соҳасида халқаро алоқаларни кенгайтиришга катта эътибор қаратилиб, ёш тадқиқотчилар ва олимларнинг нуфузли хорижий илмий марказларда стажировкалари йўлга қўйилгани

замонавий билимларни эгаллаш борасида катта самара бермокда. Энг замонавий лаборатория ускуналари харид қилиниб, хорижий илмий жамоалар билан қўшма лойиҳалар амалга оширилиб, дунё илм-фани ютуқларини юртимизга олиб кирилиши таъминланмокда.

Илғор хорижий тажрибаларни жорий этиб, вазирлик фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Германия, АҚШ, Қозоғистон, Австриядан юқори малакали мутахассислар маслаҳатчи сифатида жалб қилинмокда. Хориждаги нуфузли университет ва илмий марказларда фаолият кўрсатаётган, лойиҳа мавзуси йўналишида муҳим натижаларга эришган, Хирш индекси 5 ва ундан юқори етақчи олимлар ҳамраҳбар сифатида белгиланиши тадқиқотларнинг янада сифатли бўлишини таъминламोकда.

Давоми 4-бетда



## ҚОНУНГА ШАРҲ

ОРГАНИК МАҲСУЛОТЛАР  
ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЎҚИСЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИГА ЗАМИН ЯРАТАДИИслом ХУШВАҚТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты

Бошланиши 1-бетда

Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишловлар амалга оширилмоқда. Соҳани тизимли ривожлантиришнинг халқаро амалиётларида синалган ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда алоҳида ваколатли орган — Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ташкил этилди, соҳага оид 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳамада халқаро ҳўжжат қабул қилинди.



**БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН АЛИМЕНТАРИУС КОДЕКСИ АЪЗОСИ ҲИСОБЛАНИБ, УШБУ ҲЎЖЖАТ СТАНДАРТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲЎҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШНИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. КОДЕКС БАРЧА ҚИЪБАЛАРДА АМАЛ ҚИЛАДИ ВА УНИНГ СОЎЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИНИНГ АДОЛАТЛИ АМАЛГА ОШИШИДАГИ ҲИССАСИ БЕҚИЁС.**



Бугунги кунда Ўзбекистон Алиментариус кодекси аъзоси ҳисобланиб, ушбу ҳўжжат стандартлари истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоялашни халқаро миқёсда қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Кодекс барча қиъбаларда амал қилади ва унинг соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат савдосининг адолатли амалга ошишидаги ҳиссаси беқиёс.

Ушбу кодекс стандартлари асосида ҳўқуқий ҳўжжатлар қабул қилган ҳолда органик озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаради, аҳолини экологик тоза органик маҳсулотлар билан таъминлаш ва ушбу маҳсулотлар экспорт салоҳиятини оширишга замин яратади.

Айни пайтда дунёнинг 179 мамлакатиде органик қишлоқ ҳўжалиги ривожланмоқда, уларда

органик маҳсулот ишлаб чиқарувчи 2 миллиондан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. 2019 йилда жўхон бўйича 71,5 миллион гектар майдонда органик маҳсулот етиштирилган бўлиб, уларнинг халқаро бозорлардаги савдо айланмаси 96,7 миллиард еврини ташкил этган.

Мамлакатимизда органик маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасидаги масалаларни тартибга солувчи нормалар тарқоқ норматив-ҳўқуқий ҳўжжатларда белгилангани ҳамада яхлит қонун ҳўжжатиининг мавжуд эмаслиги соҳани кескин ривожлантиришда муайян қийинчиликлар туғдираётган эди. Ушбу мақсадда кўни кеча қабул қилинган “Органик маҳсулотлар тўғрисида”ги қонун органик маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳўқуқий асосларини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Эътиборлиси, ушбу қонун аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларида қўшилган қиймат яратиш орқали мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим бўлган органик қишлоқ ҳўжалигини тараққий эттиришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Мазкур стратегияни амалга оширишнинг илк қадами сифатида давлатимиз раҳбарининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон ҳўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан 200 минг гектар ер фуқароларга 1 гектаргача майдонда деҳқон ҳўжалиги ташкил этиш учун узоқ муддатларга ижарага берилмоқда.

Натижада озиқ-овқат экспорти ҳажми йил сайиб ўсиб бораётир. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг январь-октябрь ойларида Ўзбекистон 46 та хорижий давлатга қиймати 153,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган қарийб 204 минг тонна узум экспорт қилган.

Органик маҳсулотлар борасидаги янги ҳўқуқий ҳўжжат аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини янада юксалтириш, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишга, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларида қўшилган қиймат яратиш орқали мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга янада кенгроқ йўл очади.

Янги қонун Ўзбекистоннинг соҳага оид халқаро ҳўжжатлар доирасида олган мажбуриятларини тўлиқ амалга ошириш, ушбу ҳўжжатларга интеграция жараёнларининг ҳўқуқий асосларини яратишда ҳам муҳим асос бўлади.

## МУНОСАБАТ

МИЛЛИЙ РАҚС  
САНЪАТИМИЗ ДУРДОНАСИЛазгида чуқур ҳаётий фалсафа,  
бетакрор ижро усули ва жозиба мужассамБаҳодир АХМЕДОВ,  
маданият вазирининг  
биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Анжуманда “Лазги”ни шу кунгача илмий ва амалий татбиқ қилиб келаётган фидойи тарғибчилардан бири, устоз санъаткор, Ўзбекистон давлат филармонияси Хоразм вилояти ҳудудий бўлинимаси бош балетмейстери Гавҳар Матёкубовага Ўзбекистон Хореография академиясининг фахрий профессори унвони топширилди. Бу миллий санъат намоёндаларига эътибор намунаси, десак муболага бўлмайди.



Президентимизнинг 2020 йил 4 февралдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамада “Рақс санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ўзбек миллий рақс санъати раванкада мутлақо янги даврни, муҳим босқични бошлаб берди.

Мазкур ҳўжжатларда миллий рақснинг турли йўналиш ва намуналарини, юртимизда шаклланган мумтоз рақс мактабларини қайта тиклаш ва келажак авлодларга безавол етказиш ҳамада бу борадаги таълим-тарбия, тарғибот ишларини кучайтириш, юқори малакали мутахассислар ва кадрлар тайёрлаш каби қатор мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топган.

Ушбу фестивал мисолида эса санъат ва маданиятга ҳўқумат доирасида эътибор қаратилаётганини кўришимиз мумкин. Қадимий ва улугвор Хива шаҳрида санъат аҳли иштирокида эзгу орзу ва ниятлар билан бошланган “Лазги” халқаро рақс фестивали келгусида нуфузли санъат анжуманлари қаторидан мустаҳкам ўрин олишига ишонамиз.

## НУҚТАИ НАЗАР

РАҚАМЛАШТИРИШ – САМАРАДОРЛИК  
ВА ШАФФОФЛИК ГАРОВИМаъруфжон ЖАЛИЛОВ,  
Ўзбекистон миллий  
метрология институтининг  
директори ўринбосари

Моҳиятан “ўлчаш” маъносини аниқлаб, ўлчовлар, уларнинг бир хиллигини таъминлаш усуллари орқали талаб этилган аниқликка эришиш — метрологияни рақамлаштириш ҳар жиҳатдан муҳим.



Сўнгги йилларда соҳада ўлчашлар ягоналигини таъминлаш, уларнинг халқаро даражада эътироф этилишига эришиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди, икки натижаларга эришилмоқда. Албатта, бу борада ҳаётимизга татбиқ этилган қўлайликлар натижасида аҳолига давлат хизматларини қўлай ва осон шаклларда кўрсатиш қўламли ҳам ошиб, юрдошларимизнинг аввалгидек идорама-идора сарсон бўлиб юришининг олди олинмоқда. Хусусан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан 73 турдаги маълумотнома ва ҳўжжатлар тақдим этилиш талаби бекор қилиниб, мазкур маълумотларни давлат органлари “Электрон ҳўқумат” тизими орқали олиши йўлга қўйилди.

Президентимизнинг жорий йил 20 апрелдаги “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамада давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишлар ривожини янги босқичга олиб чиқишда муҳим ҳўқуқий асос бўлади. Зеро, ушбу ҳўжжатда жисмоний ва юридик шахслар учун давлат хизматлари кўрсатиш қўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари

кенгайтириш, қолаверса, бу борада барча учун тенг шароитларни яратиш орқали инклюзив муҳитни шакллантиришдек эзгу мақсадлар мумкин.

2020 йилга қадар маийши (газ, электр, совуқ ва иссиқ қув) ҳисоблагичларни даврий давлат кўрсаткичларга ўтказиш аксарият ҳолларда истеъмолчи томонидан бажарилар эди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли ўртасида ҳақли эътирозларга сабаб бўлди. Шунингдек, кўрсатилмаётган хизмат нархлари, муддатлари бўйича ягона ва шаффоф тизим яратилмагани турли муаммолар келтириб чиқаради. Натижада таъминотчи корхоналарда фаолият юритувчи ва ўлчаш воситаларини таъмирлаш билан шуғулланувчи ҳодимлар томонидан товламачиликка йўл қўйиларди.

Энергия назоратида ишончли ҳисоб юритилиши сарф-харажатларни аниқлашнинг асосий шарти бўлиш билан бирга, тежамкорликка ҳам хизмат қилади. Ҳам соҳа, ҳам аҳоли учун қўлайликлар яратиш мақсадида 2020 йил 24 сентябрда Президентимизнинг “Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш” лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, газ истеъмоли ва

ҳисобга олишни назорат қилиш бўйича маълумотларни йиғишнинг ягона тизими яратилди.

ASKUG-Yur, ASKUG-Billing тизими турли текширув жараёнлари ва олдинги тўлов қитанцияларини йиғиш ёки тегишли ташкилотларга тинимсиз қатнаш ҳамада соатлаб навбат кутиш каби ҳўлатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Қарздорлик мавжуд бўлганда мазкур тизимлар орқали инсон омилсиз тармокдан узиш, тўловдан кейин қайта улашнинг автоматлаштирилган механизми ишга туширилди. Табиийки, бу соҳа ҳодимлари учун ҳам бир қатор енгилликлар яратди. Хусусан, қарздорлик масаласини ҳал қилиш, ҳисоблагичлар кўрсаткичларини солиштириш учун инспекторларнинг истеъмолчи эшигини тақиллатиб боришга зарурат қолмади. Қувонарлиси, истеъмолчи газ ҳисоби бўйича барча маълумотларни ўз мобил телефони орқали қабул қилиб, тўловларни вақтида тўлашга одатланипти.

Шунингдек, электр ҳисоблагичларнинг автоматлашган турлари ҳам бир қанча қўлайликлар яратмоқда. Соҳада аниқ ҳисоб-китоб юритилиб, дебитор қарздорлиқнинг олди олинган.

Тизимнинг аҳолига узлуксиз ва сифатли электр энергиясини етказиб беришдаги аҳамияти катта. Маҳаллий корхоналар томонидан жўхон стандартлари асосида, қолаверса, юртимиз иқлим шароити, хусусан, ҳавонинг энг иссиқ ва энг совуқ даражасига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилган ҳисоблагичлар хонадон соҳибига 25 йилгача хизмат қилади. Тизимга уланганлар эса қирққа яқин маълумотни кўриш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистон миллий метрология институтида аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг шаффоф ва самарали тизимини яратиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, “Е-Metrologiya” тизим орқали барча турдаги ариза ва мурожаатларни онлайн тақдим этиш ва қисқа муддатда электрон шартнома тузиш имконияти мавжуд.

Тизим тадбиркорларга бир қатор енгилликлар яратмоқда. Тадбиркорлик субъектлари томонидан йўлланадиган мурожаатлар, икки томонлама хизматлар кўрсатиш бўйича тузиладиган шартномалар электрон шаклга ўтказилди. Барча гувоҳнома ва маълумотлар электрон шаклда етказиладиган бўлди. Албатта, бу орқали коррупцион ҳўлатларнинг олди олиниб, шаффоф хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Иш юритишдаги вақт ва сарф-харажатларни қисқартиришга эришилди.

Аниқ ўлчашлар сифат ва хавфсизлик гаровидир. Иқтисодиётнинг турли тармокларида ўлчаш натижаларининг аниқлиги, ҳолислиги, ишончлиги таъминланмаса, қўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Метрологик фаолият ва инфратузилманинг такомиллашиши доимий равишда иқтисодий ўзгаришлар ва маҳаллий ишлаб чиқариш, йирик ва кичик бизнес корхоналари ҳамада хусусий тадбиркорлиқни қўлай тарзда ривожлантириш шароитларига мос бўлиши керак.



ДАВЛАТ — ИНСОН УЧУН

# ОБОДЛИК ИНЪИКОСИ

## Сирдарёликлар ҳаётига жўшқин руҳ олиб кирди

Бошланиши 1-бетда

Энг муҳими, бир пайтлар бекор ётган одамлар “уйғонди”: субсидия ёки кредит эвазига ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Чекка-чекка қишлоқлардаги неча йиллик муаммолар ҳам аста-секин ўз ечимини топа бошлади. Бу каби ўзгаришларда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчиларининг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармони асосида мам-

лакатимизнинг ҳар бир маҳалласида ҳоким ёрдамчилари иш бошлади. Улар ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш, қўшимча даромад топиш орқали турмушини яхшилаш, мавжуд муаммоларни қўйи бўғин — маҳалладан туриб ҳал қилишда халқнинг энг яқин суянчига айланмоқда. Бу вазифага келгунга қадар турли лавозимларда ишлаган ҳоким ёрдамчилари бугун эл ичида, маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни “хонадонбай” ўрганмоқда. Аҳоли бандлик даражасини, оилалар даромад манбасини, томорқадан фойдаланиш ҳолатини ҳамда фойдали меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилмоқда. Шунга қўра, давлат кўмагини маҳаллага йўналтирмоқда. Одамлар билан гаплашсангиз, бу тизим аллақачон бўй кўрсата бошлаганини сезасиз.

## “Ҳаётимдаги қайси ижобий ўзгаришдан сўз очай?!”

Дилафрўз Кенжаева 30 ёшда. Сирдарё вилоятининг Гулистон туманидаги Ибрат маҳалласида яшайди. Дилафрўз ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан тумандаги “Мисс миледи” тикувчилик фабрикасига ишга жойлашди.



— Қишлоқда иш йўқлигидан Гулистон шаҳрига, баъзан Тошкентга бориб кунлик ишлаган вақтларимиз бўлди, — дейди Д.Кенжаева. — Ҳали икки ёшга тўлмаган ўғлимизни гоҳ қайнонамга, гоҳ овсинимга, баъзан қайнопамга қолдириб ишга кетардик. Ушша кезлар яна ҳомиладор эдим. Турмуш ўртоғимнинг уйда қол, дейишига кўнмай, унга эргашиб кетаверибман. Ахир ишламасак бўлмасди-да, ҳали ёш оиламиз, рўзгорнинг эса ками кўп. У пайтлар биз каби оддий одамлар маҳалла ёки ҳокимлик эшигига яқин йўлай олмасди. Моддий ёрдам сўраш қайда дейсиз?..

Бугун-чи?! Ҳаётимда ўзгаришлар кўп. Қайси бирини айтاي?! “Аёллар дафтари”га киритилдим. Давлатимиз кўмаги билан тикиш-бичиш курсида бепул ўқидим, ишга жойлашдим. Рўзгоримизга барака кирди. Қўй-қўзи қилдик, бир қўра бўлди. Болалардан кўнглим тўқ. Ўз вақтида дарс тайёрлайди, ўз вақтида ўйнайди. Бўш бўлди, дегунча турмуш ўртоғимнинг қаватига қириб, ёрдам беради. Бошимиздан “бир умр элнинг томорқасида ишлаб кунимиз ўтар-

микин”, деган хавотир ариди. Маҳалла кунда-кунора йўқлайди. Ҳоким ёрдамчиси уйма-уй юриб, одамларнинг турмуши билан қизиқяпти. Қўлдан нима иш келишига қараб кўмак берапти. Субсидия олинг, кредит олинг, давлатимиз сиз учун барча имкониятларни яратиб берапти, марҳамат, фойдаланинг, деб йўл-йўриқ кўрсатяпти. Кимдир иссиқхона қилди, кимдир давлатдан мол олди, кимдир тикув машинаси... Хуллас, маҳаллада бекор юрган одам йўқ.

Дилафрўз меҳнатига қараб 2 миллион сўмгача маош олади. Йўл ёки тушлик пулини ўйламайди. Ишхона билан уйи ораси яқин, тушлик бепул. Маҳалладаги “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар

дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг асосий қисми шу фабрикага ишга жойлашган.

Мафтуна Амирова маҳаллага келин бўлиб тушган, бирор иш билан рўзгорга фойдаси тегишини мақсад қилди. Чунки қайнота-қайнонаси пенсияда, оилада икки талаба бор. Турмуш ўртоғининг тоғани рўзгордан ортмайди. Ёрдам сўраб маҳалла йиғинига мурожаат қилди. “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинди.

Ҳоким ёрдамчиси уларнинг хонадонига ҳам келиб, оила имкониятини ўрганиб, муаммоларини сўради. Фойдаланилмай ётган 5 сотих ерда иссиқхона қуриб, даромад олиш мумкинлигини тақлиф қилди. Бу жўяли тақлиф бўлди.

— Февраль ойида иссиқхонани ўрнатиб беришди, — дейди хонадон соҳиби Баҳодир ака. — Кредит олиш учун ҳужжатларни маҳалладан чиқмай ҳал қилдик, барчаси онлайн экан. Бир зумда ишимиз битди. Иссиқхонага бодринг, атрофига помидор кўчатлари ўтказдик. Мутахассис келиб, кўчатларни қандай парваришлашни тушунтирди. Билмаганимизни сўраб ўргандик. Қисқа муддатда кўчатлар ҳосилга кирди. Бошланишига бир ҳафтада 3 миллион сўмдан зиёд даромад кўрдик. Ҳали ҳосилимиз мўл. Такрорий экинга яна бодринг экимиз. Кузги ҳосилни олгач, салат барги уруғини сепамиз. Камҳарж, лекин сердаромад. Уруғ ўзимиздан чиқади. Қишда кўкат харидориги бўлади. Иссиқхонага қараш қийин эмас экан, кўчатлар ерга ўрнашиб олгач, вақтида сувини, ўғитини бериб турибмиз. Эрталаб кун кўтарилгунча ҳабаб оламиз, кечки

салқинда яна бир қўр назар соламиз. Катта ўғлим давлат ишида ишлайди. Икки талабамиз бор. Уларнинг ишга чалғимай, мукаммал билим олишини истаимиз. Кичик ўғлимиз Тошкент давлат транспорт университетида, қизимиз Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўқийди. Иссиқхона қурилган, аёлим, келинимиз ва ўзим — учаламиз ишли бўлдик. Рўзгоримизга даромад кира бошлаганидан хурсандимиз.

Март ойи серёгин келди. Оила бекаси Фотима опанинг айтишича, ёмғир туфайли ер зах тортиб, кўчатлар зарарланмасин, деган хавотирда ҳоким ёрдамчисининг бир оёғи уларникида бўлибди.

Маҳаллада яшовчи Нодирбек Сирожиддинов “Ёшлар дафтари”га киритилган. Унга 30 миллион сўм кредит ажратилиб, 15 бош зотдор қўй олиб берилди. Нодирбекда чорва боқиш учун жой, ем-хашак, муҳими, қизиқиш бор. Қозоғистондан келтирилган насли қўйлари боқиш ёш оилани доимий иш билан банд қилади.

Тажрибали тарбиячи Сайёрахонни маҳалла-қўй яхши билади. У уй боғча очиш ниятидалигини билдирган, ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан орузсига эришди. Худудда битта давлат, битта хусусий МТТ жойлашган. 60 ўринли уй боғчанинг очилиши Оқолтин ва Бунёдкор кўчаларида яшовчи аҳолига катта қувонч келтирди. Бу ерда, асосан, ёш оилалар истикомат қилади. Уй боғча учун тулпанданган сўмма арзон, ота-оналарга қийинчилик туғдирмайд.

— Маҳалламизда 4 мингдан ортиқ одам ашайди, — дейди Ибрат маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Дилшод Маҳмудов. — Бу вазифага қадар туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказига раҳбарлик қилганим боис, аҳоли муаммолари менга таниш. Қолаверса, ўзим шу маҳалла фарзандиман. Ишни оилаларни хатловдан ўтказишдан бошладик. Шу орқали тоифаларни аниқлаб олдик. Биринчи галдаги вазифамиз доимий даромад манбаига эга бўлмаган ва ишсиз аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг қизиқишларини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига йўналтириш, ўқишни тамомлаган битирувчилар бандлигини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Бу борада ҳудудимизда имкониятлар етарли. Бундан ташқари, аҳолининг оилавий тадбиркорлигини ривожлантириш, фаолиятини йўлга қўйиш учун оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида кредитлар олишда қўмаклашиш бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилди. Катта йўл бошидамыз. Эндигина илк қадамлар ташланди. Мақсадга эришиш учун ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Зиммамизга олган масъулиятни бемаъл ол ўдалаймиз. Бунинг учун барча шароит ва имконият етарли, энг муҳими, Президентимизнинг ишончи бор.



Сафаримиз давомида вилоятнинг Сайхунобод туманидаги Гулистон маҳалласида ҳам бўлдик. Аҳоли 4671 нафар, шундан 2461 нафари ёш. Маҳалла жиноятликдан холи ҳудуд сифатида эътиборга тушган. МФЙ балансида 2 та сунъий қопламали стадион, 14 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, озик-овқат дўкони ва кутубхона мавжуд.

## Маҳалладан экспортга

— Дастлабки хатлов натижасида маҳаллада 348 ишсиз аниқланган, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Сирож Байманов. — Биринчи чорак давомида 301 киши иш билан таъминланди, 53 нафари тўқимачилик фабрикасига ишга жойлаштирилди. Фабрика билан маҳалламиз ораси 4 километр. Ишчи-ходимларнинг ўз вақтида ишга бориб-келиши учун автобус қўйиб берилди. Ҳар кун иш вақтида ишга бориб-келади. Яна 15 кишига қизиққан фаолиятига қараб кредит ажратилди.

Улар ҳам ислохотлар тушунмоқда. Давлатимиз раҳбари халқ учун яратиб бераётган имкониятлардан самарали фойдаланишни хоҳлайди. Шу тариқа маҳалла аҳли билан бир тану бир жон бўлиб кетдик. Одамлар фаровон, бахтиёр ҳаёт кечирса, биз зиммамиздаги вазифани ҳалол бажарган бўламиз.

Маҳалла биноси рўпарасида жойлашган пайпоқ тўқиш цехи маҳсулотлари ички бозордан ташқари қўшни давлатлар — Тожикистон ва Қирғизистонга ҳам экспорт қилинади. Ёш тадбиркор Азимжон



86 киши ўзини ўзи банд қилди. 120 кишига 50 сотихдан ер ажратиб берилди. Бу ернинг 10 гектарига картошка, 50 гектарига дўқакли экин экилди. Энг муҳими, уларнинг 45 нафари “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га рўйхатга олинган. “Йўл харитаси” тузиб олганмиз, яна 47 кишига имкониятдан келиб чиқиб, шароит яратишга ҳаракат қил-ямиз. Бундан ташқари, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қўёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, қўнчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйишга қўмаклашишга ҳам киришганмиз. Шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиш мақсадида уларга иссиқхона қуриш, томорқасини суғориш учун вертикал қудуқ бурғулаш, қишлоқ ҳўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш ҳамда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиш учун субсидиялар олишда қўмаклашиш ҳам асосий вазифаларимиздан. Маҳалла аҳолиси турмушининг қандайлиги — бизнинг юзимиз. Мен “Ипотекабанк”нинг Сирдарё вилояти филиалида раҳбар эдим. Тажрибангиз бор, деб чекка ҳудудга юборишганида, бу ерга бегонаман, одамлар қандай қабул қиларкин, уларнинг муаммоларига ечим топа оламими, ҳаётда ижобий ҳодиса бўлишига ёрдамим тегармикан, деган саволлар бўлди. Иш бошлаб билдикми, ҳозир одамларнинг фикри, дунёқараш ўзгар-

Абдусаломовга ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан 60 миллион сўм кредит ажратилди. Бу маблағга Азимжон 4 та станок сотиб олди. Болапайидан тикув машиналари тузатишга қизиқиб, шу касбнинг этагидан тутган Азимжон бир зумда тадбиркорга айланди. Цех 6 кишини иш билан таъминлади. 24 соат давомида тинмай ишлайдиган станоклар бир суткада 900 жуфтгача пайпоқ тўқийди. Сифатли маҳсулотнинг бозори чаққон бўлади. Тез орада қўшни давлатлардан Ўзбекистоннинг Сайхунободига тақлифлар кела бошлади.

— Ишимни яхши кўраман, — дейди цех ишчиси Шамшодбек Тоҳиров. — Азим аканинг этагидан тутиб кам бўлмаялман. Ҳам станок тузатишни ўрганаман, ҳам пайпоқ тўқиб, маош оламан. Ишим қўнм эмас. Станок бир меъёрда ишлайверади, фақат уни назорат қилиб турсам кифоя. Маҳаллада паррандачилик ҳам алоҳида йўналиш. “Сайхун соҳили агро” МЧЖга 1 миллиард 800 минг сўм кредит ажратилди. Бу пулга 17 минг дона Big-6 курка туҳуми сотиб олинди. Айни пайтда Андижон вилоятининг Мархамат туманида жўжа очиб чиқди. Май ойининг биринчи ҳафтасида жўжалар олиб келинади. 60 та хонадонга 50 дондан жўжа тарқатилади. Ем-хашак фермер ҳисобидан берилади. 2 ветеринар бириктирилади. Шу орқали 60 хонадон қўшимча даромадга эга бўлади.

Яна бир фуқаро Норжигит Мирзаевга мотокультиватор сотиб олиш учун кредит ажратилди. Айни мавсумда қўлга кири-тилган техникадан Норжигит қувонди. У ҳам техникали, ҳам ишли бўлди.

## Кимдир қандолатчилик билан, кимдир тикувчилик билан банд

Сайхунободдан чиқарканмиз, эътиборимизни катта йўл ёқасидаги ишқомлар тортди. 500 метрга яқин ёғоч ишқомлар оралатиб бир хил масофада ток кўчатлари экилган. Бизнинг иқлим шароитида ток парваришлаш қўлай. Кўчат ўтказилгач, иккинчи ёки учинчи йилдан ҳосил бериши мумкин. Қуроқчиликка чидамли. Демак, қишлоқ аҳли барчасининг ҳисобини олган.



кимдир қандолатчилик билан шуғуллан-япти, кимдир тикувчилик билан. Бизга ҳам 30 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Томорқага иссиқхона кўтар-ямиз. Қўнда-қўнора келиб ҳабаб олади. Нима экасиз, қандай ёрдам керак бўлса, тортинманг, хизматдамыз, ака, дейди. Авваллари югуриб ҳам бир сўм пул ололмасдик, энди ҳоким ёрдамчисининг ўзи шартнома тузишга қарашиб, турмушимизни яхшилашга рағбат билди-ряпти. Қаранг, маҳалладан чиқмай ҳам кредит олса бўларкан. Шунча имконият яратиб берилди, энди биз астойдил меҳнат қилмасак, уят бўлади.

Элёр Равшановнинг айтишича, маҳаллада иш бошлаган дастлабки кезлар хонадонларни хатловдан ўтказиш жараёнида бир деҳқон узум етиштириш даромадли йўналиши эканини гапириб қолибди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳалла ҳудудига экилган дарахтлар қатори ток ҳам ўтказилди. “Аслида гоё халқники, биз йўлга қўйишда ташаббус кўрсатдик, холос”, дейди Э.Равшанов.

Мана, сизга бугунги ислохотларнинг самараси. Халқ рози. Тайёрини бер, берсанг ейман, бермасанг ўламан, демая меҳнат қилаяпти. Қўли пул кўрмаяпти. Қорни тўқ, усти бут. Фарзандларини таълим олишга, касб ўрганишга йўналтиряпти. Ўзидан орттириб, қўни-қўшни, қариндош-уруғга қўмак беришга шай, маҳалла ободлигига ҳисса қўшай, дейди. Аслида давлатимиз раҳбари бошлаган ташаббуснинг илк самараси шулар эмасми?!

Икки ёки уч йилдан сўнг бу ерга экилган “Ризамат ота”, “Каттақўрғон”, “Келинбармоқ” навли узум кўчатлари қаддини ростлаб, ҳосилга кирса, тасаввур қилинг, қўз ўнгимизда қандай манзара пайдо бўлади. Салқини танга роҳат, ҳосили қувват бир боғ қўзни қувватиши табиий. Ўшанда Бахмалсойга йўли тушган одам кичик “Олтариқ”ни бир кўрмай ортага қайт-майдиган бўлади.

Башорат ЮНУСОВА,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



## САМАРАЛИ ЁНДАШУВЛАР

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ  
ИМКОНИАТИНИ ЯНАДА ОШИРАДИИброҳим АБДУРАҲМОНОВ,  
инновацион ривожланиш  
вазир, академик

Бошланиши 1-бетда

Жорий йилда ҳукуматлар олдида турган муаммоларни ўрганиш, келгуси 10 йил ичида уларни ҳал этиш имкониятларини аниқлаш ҳамда ҳукумат ва хусусий сектор вакиллари биллаштириш мақсадида БААда бўлиб ўтган "World Government Summit" — Ҳукуматлараро бутунжаҳон саммитида ҳам ёш олимларимиз ўз лойиҳалари асосида яратган инновацион маҳсулотлари билан қатнашди, хорижий қорхоналар ўртасида қатор шартномалар имзолди. Бу — қувонарли ҳол.

Сўнгги йилларда дунёда технологиялар жадвал ривожланиб, авваллари 10 йил давомида бажариладиган лойиҳалар бир йилда амалга ошадиган бўлди. Мисол учун, аввал бирор юкүмлі касалликка қарши вақциналарни яратишга ўн йил керак бўлган бўлса, коронавирусга қарши вақциналар 1 йилда яратилди. Бу каби илгариллаш бежиз эмас. Бу — илм-фан ва инновацияларга қаратилаётган эътибор натижаси.

Инновация ва стартап бир-бири билан чамбарчас боғлиқ атамга айланган. Стартаплар билан бугун мавҳум ғояларни ҳақиқий маҳсулот ва хизматларга айлантириш мумкин ва бунда илм-фаннинг ўрни катта. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан топилабурдан экспортбоп шифобахш биологик фаол қўшимча олиш бўйича стартап лойиҳаси молиялаштирилган. Лойиҳа "Яшнобод" технопарки резиденти "Paradise flora" МЧЖ раҳбари томонидан амалга оширилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган.

Ҳукуматлараро бутунжаҳон саммитида "Paradise flora" ва Бирлашган Араб Амирликларининг "Gulf smart general" компанияси ўртасида шартнома имзоланди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчимиз энди ўз маҳсулотини ушбу давлатга экспорт қилади. Топиламбур кукунини солинган нон, ширинликлар яратиш устида изланишлар олиб борган ёш олимнинг лойиҳаси асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозорларига ҳам кириб боради.

Ҳозиргача мазкур стартап лойиҳа доирасида 13 дан ортиқ биологик фаол қўшимча таркиби, формуласи ва уларни ишлаб чиқариш технологияси шакллантирилган бўлиб, ёш тадқиқотчи биологик фаол қўшимчаларни ишлаб чиқариш ва сотиш орқали 350 миллион сўм даромад олишга эришди.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришни бир-бири билан боғлашда муҳим бўлган технологик парклар фаолиятини йўлга қўйишда Туркия, Венгрия ва Хитой билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Хусусан, Ўзбекистондаги энг йирик технопарк — "Инно" менежментига Туркиянинг энг йирик технологик паркларида бири бўлган "Йилдиз" муассасаси мутахассисла-



**ЖОРИЙ ЙИЛ АПРЕЛЬ ОЙИДА ТУРКИЯНИНГ ЙИЛДИЗ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИ ТАМАР ЙИЛМАЗ БОШЧИЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ЮРТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛДИ. ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР INNO ТЕХНОПАРККА ТУРКИЯНИНГ ЕТУК КОМПАНИЯЛАРИ РЕЗИДЕНТ СИФАТИДА ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ. БУ, АЛБАТТА, ЛОЙИҲАЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА МАҲСУЛОТ СИФАТИ ҲАМДА ТУРИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.**

ри жалб қилинган. Технопаркларда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан бирга, тайёр технологияларни хориждан олиб кириш, яъни трансфер қилиш амалиятидан ҳам фойдаланилган.

Жорий йил апрель ойида Туркиянинг Йилдиз техника университети ректори Тамар Йилмаз бошчилигидаги делегация юртимизда меҳмон бўлди. Йил якунига қадар INNO технопаркка Туркиянинг етуқ компаниялари резидент сифатида жалб қилинади. Бу, албатта, лойиҳалар трансформацияси ва маҳсулот сифати ҳамда турини оширишда муҳим ўрин тутди.

Янги Ўзбекистоннинг илм ва инновациялар соҳасидаги ютуқлари қатор хорижий компаниялар, бизнес вакиллари ва инвесторлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Ана шундай эътирофларга сазовор бўлаётган стартаплардан бири AR технологияси асосида яратилган, ҳар қандай соҳага кенгайтирилган реаллик элементларини жорий этадиган "NazzaAR" инновацион платформасидир. "SmartChain" МЧЖ раҳбари томонидан ишлаб чиқилган мазкур платформа ҳам Ҳукуматлараро бутунжаҳон саммитида қўллаб инвесторларда катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, АҚШнинг USPASS компанияси платформага инвестиция қилиришга қизиқиш билдирди ва келажақда музокаралар ўтказиш бўйича келишувга эришилди.

"SmartChain" инновацион технологиялар билан шуғулланиб, тўлдирилган реаллик йўналишида қатор ишларни амалга оширмоқда. NazzaAR мобил иловаси имкониятлари туризм соҳасида, айниқса, музейларда кенг

қўлланмоқда. Илова орқали экспонатлар ҳақидаги маълумотларни янада қизиқарли шаклда сайёҳларга етказиш имконияти яратилган. Смартфон орқали NazzaAR белгисига йўналтирилганда мобил қурилма экранида реал объектларнинг 3D шакллари, видеороликлари, фотосуратлари жонланади.

2021 йилда мазкур қорхона Исландия компанияси билан ҳам ҳамкорлиқни йўлга қўйган эди. Платформа Исландияда юклаб олинган ўз тоифасидаги AppStore иловаларининг энг машҳур 10 талиги ичида 2-ўринни эгаллади. Юртимизда яратилган технологиянинг хорижда татбиқ этилиб, стартап компания томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тобора оммалашиб бораётгани бизга ҳам, соҳада янгилик яратиш истагидаги олимларга ҳам куч бағишлайди.

Саммит доирасида қатор масалалар муҳокама қилиниб, энергетика соҳаси олдидаги энг долзарб масала энергия хавфсизлигини таъминлаш экани қайд этилди. 2050 йилга келиб, NetZero энергиясига тўлиқ ўтиш масаласига урғу берилди. Бу даврда карбонат ангидрид чиқарувчи энергия олиш яқунланиб, ис газини камайтирадиган ёки қайта ишловчи технологиялар даври бошланади. Қайта тикланувчи энергия умумий талабнинг фақат 25 фоизинигина қоплаши инobatга олинса, атом энергетикаси соф энергиянинг ягона манба бўлиб қолади.



Ҳукуматлараро бутунжаҳон саммити доирасида қатор шартномалар имзолангани катта йўлимининг бошланишидир. Кўргазма доирасида жами 2 миллион доллардан ошқ қийматидаги тижоратлаштирилган илмий ишланмаларни экспорт қилишга қаратилган шартномалар имзоланди. Ўзбекистондан турли мамлакатларга мазкур экспорт шартномаларига кўра, парҳезбон мой маҳсулотлари, металлургия соҳасида қўлланиладиган бетонит гранулалар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Мазкур маҳсулотларнинг барчаси юртимиз олимлари томонидан яратилган рақобатбардош товарлардир.

Ўзбекистон улкан илмий салоҳиятга эга мамлакат. Мазкур йўналишдаги халқаро ҳамкорлик имкониятларимиз янада кенгайиши, юқори марраларга эришишимизга хизмат қилади. Илм-фан ва инновациялар соҳасидаги халқаро ҳамкорлик янги иш ўринлари яратиб, аҳоли фаровонлиги ошиши, мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммолар бартараф этилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга йўл очди.

Бу борада ҳамкор мамлакатларнинг ривожланган соҳа ва тармоқларига кўпроқ эътибор қаратиш зарур. Масалан, Россия, Италия ва Чили билан узумчилик ва виночилик соҳасида ҳамкорлик кенгайтирилса, Ҳиндистон билан биотехнология ва уруғчилик соҳаси ривожлантирилади. Қардош турк халқи билан эса технопаркларни ривожлантириш ва ахборот хуружига қарши курашиш устувор йўналишлардан биридир.

Илмий ва инновацион соҳалардаги халқаро ҳамкорлик глобал инновацион индекс кўрсаткичлари юқорилаши ҳамда мамлакатимизнинг глобал иқтисодий макондаги нуфузини юксалтиришда аҳамияти катта. Миллий иқтисодиётимизнинг самарадорлиги ва меҳнат унуми илгор инновацион технологиялар асосида янада ошиб бораверади.

масалаларга ҳам эътибор қаратиш, янгича ёндашиш талаб этилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, рақамлаштириш ва сунъий интеллект соҳалар бошқарувида кенг кириб борилиши натижасида қўллаб қасблар йўқолади. Рақамлаштирилган тизимлар туфайли инсоният иш ўринларини йўқотиб боради. Демак, ҳозирдан таълим тизимида компьютер ҳамда робот машиналар бажара олмайдиган иш ўринлари яратиб бориш ва одамларга бу кўникмаларни сингдиришга қаратилган таълим дастурлари устида ишлашимиз керак.

Технологияларнинг этикаси бўлмагани боис, глобал келажақ трендида рақамлаштириш хавфсизлигига эътибор қаратиш ўта муҳим вазифадир. Янги технологияларни молиялаштириш билан бирга, келгусида технологиялар мувозанатини таъминлайдиган "рақамлаштириш этикаси"ни мувофиқлаштиришга урғу бериш лозим. Келажақда STEM (фан, технология, муҳандислик ва математика) дастурларини ривожлантиришдан "HECI" (инсонийлик, этика, креативлик, тасаввур қилиш) тизимига ўтиш зарур бўлади. Айниқса, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш миллий маданият билан ҳамохан бўлиши ва бунда маданий қадриятларга "юмшоқ" компонент эмас, балки технологик ривожланишнинг асосий драйвери сифатида қараш лозим.

Дунё ҳамжамияти тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ривожлантириш дастурларини шакллантириш ҳамда бу йўналишларни ўзимизга мослаштириш учун илмий тадқиқотлар ўтказиш, таълим ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талаб этилади. 2022-2023 йилларда юздан ортиқ халқаро тадқиқот лойиҳасини молиялаштириш режалаштирилган бўлиб, улар қишлоқ хўжалиги ва техника каби аҳамиятли соҳалардан тортиб сунъий интеллект ва ген муҳандислиги каби юқори технологияларни қамраб олади. "Made in Uzbekistan" ёрлиғи билан маҳсулотларимизни жаҳон бозорига тақдим этаётганимиз кўнгилмизга ғурур бағишлайди. Ўзбекистон энди рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган инновацион маҳсулотлари билан ҳам дунёга танилади.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ:  
ЎЗГАРИШЛАР ВА  
НАТИЖАЛАР

Бошланиши 1-бетда

Ваҳоланки, бир пайтлар, айниқса, олис ҳудудларда бир ёки икки соат чироқ ёнса ёнарди, бўлмаса у ҳам йўқ эди. Қишлоқ одамлари телевизор, музлаткич қабилардан деярли фойдаланмай қўйишганди. Талаб катта, эҳтиёж юқори, лекин илҳомимиз йўқ эди, имконият етарли эмасди. Электр энергияси таъминотидаги тақчилликнинг иқтисодиётимизга таъсири ҳам кам эмасди.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон бу борада етарлича куч ва салоҳият тўплади. Соҳадаги илҳомотлар, аниқ мақсадли лойиҳалар бунга шароит ва имконият яратди. Сўнгги тўрт йилда мамлакатимиз электр инфратузилмасига жалб қилинган инвестициялар мустақилликнинг аввалги давридаги жами инвестицияларнинг 75 фоизини ташкил этди ёки 26 баравар кўпайди.

Шундай сазй-ҳаракатлар самараси, аҳолининг электр энергияси билан таъминлаш борасидаги қоралар ҳақида энергетика тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган **"Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Улуғбек МУСТАФОЕВ** қўйилганлари сўзлаб берди:

— Кейинги йилларда электр энергияси етказиб бериш сифати анча яхшиланигани эътироф этиш керак. Бунинг замирида тизимда амалга оширилаётган ишлар, соҳага замонавий технологиялар жорий этилиб, ишлаб чиқариш жараёنларини маҳаллийлаштириш ва бошқа йўналишлардаги изланишлар ётибди. Албатта, шу натижалар билан чекланиб қолинмайди, балки мазкур йўналишда қабул қилинган ҳужжатлар, шахсан давлатимиз раҳбари топириқлари асосидаги ишлар изчил давом эттирилади. Хусусан, Президентимизнинг яқинда Қашқадарё вилоятига таширифта ҳудудда жорий йилда 1 минг 215 километр электр узатиш тармоғи, 330 дон трансформатор ва 3 та юқори қучланишли подстанция қурилиши айтилди. Бу 479 та маҳалладаги 270 минг аҳоли ва 5 мингдан зиёд тадбиркорнинг электр энергияси таъминоти яхшиланади, дегани.

Аҳоли нуфуси ортиши, иқтисодиёт ривожини, бунёдкорлик қўламини кенгайтириш, табиий, электр энергияси истеъмоли кўпайишига олиб келади. Демак, биз хизмат кўрсатаётган тармоқ шунга мос тараққий этиши, такомиллаштиши шарт. Шундан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ҳудудларда паст ва ўрта қучланишли 15 минг километр электр узатиш тармоғи ҳамда 4 мингта трансформатор пункти янгиланиб, модернизация қилинди. Пировардида, 5377 та маҳаллада яшаётган 2 миллиондан ортиқ аҳолининг электр энергияси таъминоти замон талабига мослаштирилди.

Шунингдек, "оғир" ва "ўта оғир" ҳудудларда 2 минг 654 километр электр узатиш тармоғи ҳамда 701 та трансформатор пункти яхшиланди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 10 минг 379 километр электр узатиш тармоғи ҳамда 2 минг 799 та трансформатор пунктида янгилаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

2022-2026 йилларда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида электр таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида эса 13367,4 километр электр тармоғи ҳамда 6 мингта яқин трансформатор пунктини янгилаш белгиланган. Айни пайтда жорий йилги объектларни қуриш ва монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда.

## Кластернинг аҳамияти нимада?

Ҳар бир тармоқ ривожига барча ишлар шу тизимнинг ўзидан ташкил этилса, яхши самара беради. Бу замонавий тилда кластер деб ата-



лади. Бугун жамиятда электр таъминоти узвийлигини таъминлаш, ҳудудлардаги тармоқларни янгилаш ва модернизациялаш борасидаги кенг қўламли илҳомотлар маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва кластер тизимини жорий этишга замин яратди.

Жамиятимиз ҳар бир ҳудудий қорхона учун махсус лицензиялар олиб, лойиҳа гуруҳлари ҳамда қурилиш бригадалари ташкил этгани ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ва капитал қўйилмаларга харажатларни қисқартиришга хизмат қилапти. Темир-бетон таянч тайёрловчи 13 та ҳамда траверс маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи 13 та цех ташкил этилгани зиммамиздаги вазифаларни ўз вақтида бажариш имконини бермоқда. Биргина кластер усули туфайли 2021 йилда 437 миллиард сўм маблағ тежалди.

Ўш, маблағ қандай иқтисод қилинади? Буни қуйидаги оддий ҳолат мисолида тушунтирсак. Ҳар бир иш лойиҳасида бошланади. Лойиҳанинг мукамаллиги, пишиқ-пухталиги нафақат ишни тез битказишда, балки сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Илгари биз бунинг учун лойиҳалаш институтларига буюртма қилардик, шартнома тузардик. Шундан сўнг институт мурожаатимизни қўриб чиқиб, мутахассис ажратарди. Бу, табиийки, қўшимча пул ва вақт талаб этар, ўз ўрнида дастурлар ижросини таъминлашда қатор нуқулликларга сабаб бўларди.

Уттан йили ҳудудларда ташкил этилган бўлимларимиз томонидан жами 15 минг километр электр тармоғи ҳамда 4 мингта трансформатор учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Натижада жамиятнинг бу мақсадларга сарфланадиган маблағларининг қарийб учдан икки қисми тежаб қолинди. Масалан, бир километр узунликдаги электр узатиш тармоғи ҳамда 1 дон трансформатор пункти лойиҳа-смета ҳужжатлари лойиҳалаш институтлари томонидан ўртача 7-7,5 миллион сўмга тайёрланган бўлса, ҳўжалик ҳисобида бу 1-1,5 миллион сўмга тушади. Қаранг, битта лойиҳа-смета ҳужжатидан 6 миллион сўм атрофида маблағ тежаб қолинмоқда. Бу фаолиятимизнинг бир жиҳати. Ваҳоланки, бундай омиллар бир нечта. Кластер ана шундай нуқсон ва камчиликларга ечим топишда қўл келди.

## Рақамлаштириш — давр талаби

Бугунги кунда юртимиз бўйича жами 4 миллион 765 минг 255 нафар ёки 64 фоиз истеъмолчига замонавий ҳисоблагичлар ўрнатилиб, уларнинг қарийб 2,5 миллиони ёки 51 фоиз билнинг тизимига уланган. Бу — тармоқда рақамли технологияларга қаратилаётган эътибор самараси.

Шу маънода, қорхонамиз томонидан янгича ёндашув асосида истеъмолчиларга замонавий хизматлар қўрсатиш бўйича иш олиб бораётган ишлар дўқатга сазовордир. Шунингдек, электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ) жорий этилди. Мазкур тизим, биринчи навбатда, истеъмолчи ва таъминотчи ўртасидаги шаффофликни таъминлайди. Етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китобларга аниқлик киритиш, шу билан бирга, истеъмолчиларнинг фойдаланган электр энергияси учун тўловини интизомини мустаҳкамлашда, электр тўлов-расини тақсимлашда ҳар бир истеъмолчи ва трансформатор пункти кесимида керакли маълумотларни таҳлил қилишда қўл келади. Истеъмолчиларнинг ҳисоблагичларига ташқаридан бўладиган аралашувлар, ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олди олинишига эришилади. Чўнки таҳлиллар аксарият истеъмолчилар охириги — ўчириш қорасига қадар фойдаланган электр энергияси учун тўловларни амалга оширмайди.

Қўл ҳолатларда қарздорлиги мавжуд истеъмолчилар тармоқдан ажратилганда улар томонидан ўзбошимчилик билан тармоққа қайта улашиб олиш ҳолатлари мавжуд эди. АСКУЭ тизими шундай ўзбошимчиликларнинг олдини олишда ҳам айнаи мудоаодир.

Қарздорликнинг юқорилиги нафақат бизнинг тармоқ, балки бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шундай экан, одамларнинг истеъмолчилиги маданияти ўзига фойда бўлади, десак нотўғри эмас. Бугун электр таъминотини узвийлигини таъминлаш, ҳудудлардаги тармоқларни янгилаш ва модернизация қилиш борасидаги ишлар шу жиҳатларни қамраб олаётгани билан аҳамиятли.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири  
Дилшод УЛУҒБЕКОВ ёзиб олди.**





Сирожиддин САЙИД,  
Ўзбекистон халқ шоири

Улуғ айём кунларин  
сурури бор, завқи бор,  
Бу дунёда халқки бор,  
яшамоққа ҳақки бор.  
Ҳар эл ҳам ўз ошини  
ошамоққа ҳақки бор,  
Ҳақки борки уйғокдир  
хар кўнгил, ҳар қалбки бор,  
Бисмилло, деб ўрнингдан  
қўзалганинг рост бўлсин,  
Улуғ кунлар тонгида  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Дунёда қавмлар кўп,  
элатлар, миллатлар кўп,  
Эллардан ҳам зиёда  
сарҳадлар, давлатлар кўп.  
Ҳар элатнинг бошида  
меҳнату заҳматлар кўп,  
Қай элга — миннатлару,  
қай элга раҳматлар кўп,

Меҳнату аламлардан  
ўтганларинг рост бўлсин,  
Дунё авзойин ўйлаб  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Одамзоднинг ош-нондан  
бордир кўп ўзга дарди,  
Уни бир зум тинч қўймас  
ўз дарди, ўзга дарди.  
Вақт ўзгарди буткул,  
тун ва кун ўзгаради,  
Мудроқларни уйғоттил,  
уйғоттил ўзгаларни,  
Уйқунг қочиб кечалар  
тўлганганинг рост бўлсин,  
Рост бўлсин уйғонганинг,  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Баҳор келмиш оламга —  
кентлар, шаҳарларгача,  
Олтой кенгликлариво  
барслар, архарларгача,  
Бинафшаранг шомлардан,  
зангор саҳарларгача,  
Ҳиротдан то Тоғмаҳал,  
Ўтрор, Қашкарларгача —  
Тирикликка, баҳорим,  
сўз берганинг рост бўлсин,  
Жабрдийда жаҳоним,  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Олмонмисан ё араб,  
Оврупоми, Осиё,  
Кўргандир эски дунё,  
кўрмоқда янги дунё.

Ирфон ўқийсанми ё,  
достон тўқийсанми ё,  
“Қуръон”ни хатм айлаб,  
тараттайсан нур, зиё.  
Порлоқ илму ирфонга  
амалинг ҳам мос бўлсин,  
Муслимсан ё насроний —  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Бир кунларки, кўнгиллар  
дунёга ланг очилар,  
Баҳор қалдирғочлардан  
юборгайдир совчилар.  
Дунё — ярми мусофир,  
ярмиси йўловчилар,  
Маккайи Мадинада  
дуо айлар ҳожилар.  
Дуоларинг Термизий  
боболарга хос бўлсин,  
Ҳадисларин ўрганиб  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Оламга қўш уйғониш  
замонини берган халқ,  
Юлдузларни кашф этиб,  
осмонини берган халқ.  
Иброҳимбек, Қодирий,  
Чўлпонини берган халқ,  
Икки юз минг етимга  
жон-жонини берган халқ,  
Ғалаба боғига бор —  
ўнгарганинг рост бўлсин,  
Собир Раҳимга бокиб  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Марғилон боғларида  
дилни ўртаб, нолакор,  
Маъмуржон ҳофизларинг  
куйлар то ҳануз зор-зор.  
Гулга ғарқ Қўқонларда  
Усмон Носир руҳи бор,  
Гулдай кетган болангни  
йўқлаб келмишдир баҳор,  
Неча бор, нечанчи бор  
ўртанганинг рост бўлсин,  
Шоирингни ёд айлаб  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Бу миллат неча бора  
яккаланди, тоқланди,  
Сўроқланди неча бор,  
неча бор ўроқланди.  
Тарихни яратган халқ  
тарихдан йироқланди,  
Номингни қаро қилган  
оқ пахтанг ҳам оқланди,  
Дашту далаларингда  
лайлак, турна, ғоз бўлсин,  
Эй даштим, эй, қир-далам,  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Устоз айтгандай мен ҳам  
эгатлар аро ўсдим,  
Сенда ҳам савод ярим,  
менда ҳам ярим, дўстим.  
Қолмиш пахтазорларда  
не даҳоларим, дўстим.  
Мен шу қутлуг кунларда  
фаҳрга тўлиб кўксим,

Айтай она халқимга:  
куйларинг мумтоз бўлсин,  
Армонларинг ушалиб,  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Меҳрибонлик уйлари —  
меҳрдир бу, қадрият.  
Ҳар ўғил-қиз кўзида  
минг орзу, минг хил ният.  
Инсонийлик мактаби —  
шундадир маънавият,  
Бунда — Ватан улғаяр,  
Ватан топгай тарбият.  
Меҳру саодатларга  
чулганганинг рост бўлсин,  
Эй кўнгил, бир лаҳзада  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Ўқуздарё мавжларин  
сатрларга жойлаган,  
Нукусда сўз ўйнатсанг,  
Бўзатовда — ой лаган.  
Бу кунларни орзиқиб  
ойлар, йиллар пойлаган,  
Риштайи жонларини  
испандига бойлаган,  
Мўйноқдай қўрғонларинг  
элга иқтибос бўлсин,  
Қорақалпоқ элимсан,  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Дунёда тинчлик бўлсин,  
хабар келсин еллардан,  
Ўғлонларинг соғ-омон  
қайтсин олис эллардан,

Соғинчларинг тарқалиб,  
ғубор кетсин диллардан,  
Оғамдирсан, синглимсан —  
бол томибон тиллардан,  
Тўйларига сўйганинг  
қўчқору новвос бўлсин,  
Бир элга ошлар бериб,  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Мен — шоири замонман,  
замон мендан сўз сўрар,  
“Афросиёб” поезиддай  
мендан олдин сўз юрар.  
Кўзларимдан ҳам аввал,  
мендан илдам сўз кўрар,  
Сўзлар керак замондай  
шиддаткор ҳам тезюрар.  
Эл дардига то хар шеър  
ҳамдарду ҳамроз бўлсин,  
Эй созим, эй овозим,  
ўзгарганинг рост бўлсин.

Она юртим, қалбимнинг  
мангу оҳанрабои,  
Бошингга кўнмиш букун  
тожу давлат Ҳўмоси.  
Халқ биландир, эл билан  
юртнинг нашта намоси,  
Шундай деди эл-юртга  
мамлакат Раҳнамоси:  
Халқим, рўйи жаҳонга  
юз бурганинг рост бўлсин,  
Ўзгарганинг рост бўлсин!

\* Испанд, хазориспанд — исирик.

## НОЁБ МЕРОС

Роик БАҲОДИРОВ,  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлигининг Ўзбекистон тарихи ва маданиятига оид хориждаги маданий бойликларни илмий тадқиқ этиш бошқармаси илмий изланишлари натижасида чет мамлакатларда сақланаётган кўплаб манбалар аниқланди.

Ҳозирги кунга қадар 9200 дан ортиқ маданий бойлик — кўлёмалар, мини-атюралар, ҳужжатлар, қумуш ва олтин тангалар, қадимий сопол ва металл ашёлар, чолғу асбоблари, археологик топилмалар, меъморий безак бўлаклари, безак-тақинчоқ, нақш, сурат, кийим ва бошқа осори-атиқалар аниқланди ҳамда уларнинг илмий тавсифи тузилиб, электрон реестр тизими таркибига киритилди.

Мазкур маданий бойликларнинг деярли ярми, аниқроғи, 44,5 фоизини ал-ломаларнинг асарлари кўлёмалари ташкил этмоқда. Шу боис, бошқарма илмий жамоаси томонидан бугунги кунда 1150 дан ортиқ кўлёманинг илмий тавсифини ўз ичига олган “Ўзбекистонга оид хориждаги кўлёмалар асарлар реестри”нинг иккинчи ва учинчи жилдлари нашрга тайёрланди.

Мазкур жилдларни нашрга тайёрлаш билан бир вақтда имкон қадар моно-график тадқиқот таркибига киритилган кўлёмаларнинг рангли электрон нусхаларини юртимизга олиб келишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар илмий жамоа томонидан Буюк Британиянинг Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, Оксфорд “ал-Фурқон” жамғармаси, Россия миллий кутубхонаси, Россия Давлат Шарқ

# ҚАДИМ МАЪРИФАТ ЗИЁСИ

## Имом Термизий ва Абу Наср Форобий асарларининг кўлёмалар нусхалари диёримизга келтирилди

музейи, Ҳиндистоннинг Дехли шаҳридаги “Жамия миллия исломия” марказий университети билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб борилди.

Шунингдек, Ҳиндистон Ислом маданияти маркази, Туркиянинг ёзма асарлар ташкилоти, Анқара университети, Истанбул университети, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги Ислом тарихи, маданияти ва санъати маркази (ИРСИКА), Берлин давлат кутубхонаси, Берлин ислом санъати музейи каби ташкилотлар билан ҳам ўзаро келишувлар асосида 50 дан ортиқ кўлёманинг рангли электрон нусхалари юртимизга олиб келинди.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ



**ИМОМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЗИКР ЭТИЛГАН ИККИ ҚЎЛЁМАСИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР, ШУНИНГДЕК, АЛ-АҚСО МАСЖИДИ КУТУБХОНАСИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН “АЛ-АҚСО МАСЖИДИ КУТУБХОНАСИДАГИ ҚЎЛЁЗМА АСАРЛАР” ФИҲРИСТИ ЭЛЕКТРОН НУСХАСИДА, АНИҚРОҒИ 4-ТОМИНИНГ 79-81-БЕТЛАРИДА ҲАМ БЕРИЛГАН БЎЛИБ, ИККАЛАСИ ҲАМ “ЖОМЕЪ АТ-ТЕРМИЗИЙ” НОМИ БИЛАН ЗИКР ЭТИЛГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ.**

Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий, Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий каби буюк мутафаккирларимизга тегишли мазкур кўлёмалар маблағ сарфланмаган ҳолда қўлга киритилгани эътиборга молиқдир.

2022 йил апрель ойида Ўзбекистоннинг Исроилдаги элчихонаси ёрдамида Қудус шаҳридаги Масжид ал-Ақсо ва

Мадрид шаҳридаги Испания Миллий кутубхонасида сақланаётган Абу Исо Мухаммад ибн Исо ибн Савра Термизий қаламига мансуб иккита ҳадислар тўплами ҳамда Абу Наср Форобий асари кўлёмасининг рангли электрон нусхалари келтирилди.

Кўлёмалар ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш жоиз:

Абу Исо Мухаммад ибн Исо ибн Савранинг “Сунан ат-Термизий” (“Ҳадислар тўплами”) кўлёмаси ҳижрий 740 йил 8 шавволда, милодий 1340 йил 14 апрелда кўчирилган. Чиройли насх деб аталувчи хат турида битилган. Кўлёмза 274 varaқ бўлиб, ҳажми 24x18 см, унинг ҳар бир бетидаги матн 24 қатордан иборат. Матн ҳажми 18x12 см, ғилофи — жигарранг тери. Нусха яхши сақланган, аммо varaқлар четлари қисман зарарланган. Биринчи 5 varaқда Имом Бухорий ҳадислари берилган. Кўлёмзада икки маълумот бўлиб, унинг биринчисида ҳижрий 790 йил 12 муҳаррамда, милодий 1388 йил 29 январда Сирож ад-дин Аҳмад ибн Молик ибн аш-Шайх Иброҳим ал-Кабасий “Сунан ат-Термизий” кўлёмасини 51 дирҳамга сотиб олганига ишора қилинган. Иккинчи маълумотда эса ҳижрий 1139 йил 20 ражаб / милодий 1727 йил 12 март санасида ёзилганига қўла, унинг эгаси Мухаммад ибн ал-Ҳилор ибн ал-Фозил бўлгани қайд этилган.

Биз сўз юритаётган кўлёмаларнинг иккинчиси эса Абу Исо Мухаммад ибн Исо ибн Савранинг “Жомеъ ат-Термизий” асаридир. Ушбу асар шунингдек, Сунан ат-Термизий номи билан ҳам танилган. Кўчирувчи — Мухаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим ибн Муфлиҳ ал-Киноний ал-Қалқайлий. Кўчирилган санаи — ҳижрий 825 йил 19 рамазон / милодий 1422 йил 14 сентябрь. Хат тури — насх. Кўлёмза 280 varaқдан иборат бўлиб, ҳажми 18x14 см, унинг ҳар бир бетидаги матн 16 қатордан иборат. Матн ҳажми 13x11 см.

Varaқларда зарарланган баъзи қисмлар борлигини эътиборга олма-

ганда нусха яхши сақланган. Биринчи ҳадис “Шайх Абу ал-Аббос Мухаммад ибн Аҳмад ибн Маҳбуб ибн Фазилнинг Абу Мухаммад аbd ал-Жаббор ибн Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн ал-Жарроҳ ал-Марурийнинг Абу Бақр Абд ас-Самад ибн Абу ал-Фазл ибн Ҳомид ат-Томир ва қози Абу Омир Маҳмуд ибн ал-Қосим ибн Мухаммад ал-Аздий...” деб бошланган.

Кўлёмза ҳақидаги маълумот Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун ан асоми кутуб ва ал-фунун” асарининг 1-жилди 559-бетига баён этилган.

Имом Термизийнинг зикр этилган икки кўлёмаси ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, Ал-Ақсо масжиди кутубхонаси томонидан тақдим этилган “Ал-Ақсо масжиди кутубхонасидаги кўлёмза асарлар” фиҳристи электрон нусхасида, аниқроғи 4-томининг 79-81-бетларида ҳам берилган бўлиб, иккаласи ҳам “Жомеъ ат-Термизий” номи билан зикр этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Асар ҳақидаги маълумотлар Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти томонидан нашр этилган “Термизлик олимилар асарларининг жаҳон фондларидagi кўлёмалари каталоги, 2018 йили “Фан” нашриёти ҳамда Маданий мерос агентлиги томонидан нашрга тайёрланган “Ўзбекистонга оид хориждаги кўлёмза асарлар реестри”нинг 3-жилдида ҳам зикр этилган.

Яна бир асар Абу Наср Форобийнинг Мадрид шаҳридаги Испания Миллий кутубхонасида сақланаётган мусқага оид “Китоб ал-мусиқа ал-кабир” (“Мусиқа ҳақида катта китоб”) кўлёмасининг рангли электрон нусхасидир.



Асар 91 varaқдан иборат, аммо унда хаттот исми ва кўчирилиш вақти ҳақида маълумотлар берилмаган. Кўлёмзанинг ўзига хос хусусиятлари — биринчи 7 бетда бирор ёзув йўқлиги, 8-бетдан бошланувчи матн муҳаққақ хатида ёзилгани.

Форобийнинг ушбу рисоласи ўрта асрларда мусқага бағишлаб ёзилган асарларидан бири бўлиб, унда аллома мусиқанинг назарий ва амалий томонлари, товушларнинг вужудга келиши таърифига кенг ўрин ажратган. Шунингдек, куйлар уйғунлигининг математик жиҳатлари кўлёмзада келтирилган нота, парда, ритмлар, жадваллар ҳамда чизмаларда акс эттирилганини кўришимиз мумкин.

Бошқарма ходимлари 2019 йилда Туркияга бўлган илмий хизмат сафари асносида алломанинг Маниса шаҳрида сақланаётган мусқага оид “Ритмлар таснифи”ни олиб келган эди. Бу Форобийнинг мусқага оид иккинчи асари кўлёмаси эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бошқармада алломаларимиз асарлари кўлёмаларини ўрганиш ва хориждан рангли электрон нусхаларини олиб келиш жараёни қизгин кечмоқда. Айниқса, бу ноёб кўлёмаларнинг ҳеч қандай маблағ сарфланмай келтирилаётгани дунё илм аҳлининг аждоқларимиз меросига ўзгача эътибори ва эҳтиромидан дарак беради.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1267.

85049 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова  
Мусаҳҳих: Малюхат Минғобоева  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 23:10 Топширилди — 00:55